



# O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 5-aprel. Seshanba

42 (31.318)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ ЯНАДА ҚИСКАРТИРИШ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асосиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:  
янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхати олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайдиган (акция солиғига тортилмаган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно);

2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келмаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суратларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно);  
кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш мuddатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал мuddатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ мuddатга узайтирилишига йўл қўйилмайдиган.

2. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш.М.Мирзиёев) назорат қилувчи идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларда куйидагилар назарда тутилсин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини (солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молия ва солиқ ҳисоботи тўғрисидаги асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилишни кенг жорий этиш;  
солиқ қонунчилиги бузилишларининг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмининг татбиқ қилиш;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий қўллашни татбиқ этиш.

3. Текширишларни бошлаш ва ўтказиш, хўжалик субъектларининг фаолиятини, шунингдек, банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа ҳудди шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги қарорлар бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармонларида белгиланган ваколатларга эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётган мутлақ йўл қўйиб бўлмайдиган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга йўналтирилган назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда қуйидагиларни таъминласин:

мазкур Фармон қоидаларининг мақсади, мазмуни ва амалий аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш;  
давлат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолатларини очиб берадиган, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қўрилган жавобгарлик чоралари тўғрисида радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни, республика ҳамда маҳаллий матбуотда мақолаларни чоп этишни мунтазам равишда ташкил этиш.

6. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш.М.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, бошқа назорат идоралари билан биргаликда икки ҳафта мuddатда ушбу Фармоннинг қоидалари тааллуқли бўлган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишни қайта қўриб чиқсин ва 2011 йилги текширишлар режасидан чиқариб ташласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларида иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:  
қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;  
идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

## ЎЗХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа



Муродбек ЭИЕ олган суратлар.



## Микромолиявий хизматлар, янги иш ўринлари

Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган устувор йўналишлардан бири демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодийнинг юқори суръатларда ривожлантириш масалаларига қаратилган. Бугунги кунда ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдириш долзарб вазифалардан биридир. Бунинг ечими сифатида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қулай шарт-шароит яратилган. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида ҳам бу борада қатор тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Марказий банк билан ҳамкорликда ўтказаятган «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятлари» мавзусидаги иқтисодий форумлар шу мақсадга хизмат қилмоқда. Навоий шаҳрида ўтказилган иқтисодий форум ҳақида аввал хабар берган эдик. Тадбир доирасида кўча Жамоатчилик қабулхонаси, тижорат банкларининг микромолиявий хизматлар кўрсатиш, кредитлаш имкониятларига бағишланган, касаначи-хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Каштачилик бизга момоларимиздан мерос, — дейди Нурота туманидан келган Робия Абдусаматова. — Мен бу унар сирларини фарзандларим ва бошқа хоҳловчиларга ўргатиш келаяман. Каштачиликка ёшларимизнинг қизиқиши тобора ортиб бораёпти. Шогирдларим билан тикрасида кўча Жамоатчилик қабулхонаси, тижорат банкларининг микромолиявий хизматлар кўрсатиш, кредитлаш имкониятларига бағишланган, касаначи-хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун Президентимиз илгари сурган Концепцияга қаратилган дастлабки қонунлардан ҳисобланиб, давлат ҳокимияти тармоқларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мустақиллигини таъминлаш юзасидан муҳим ҳуқуқий механизмларни белгилайди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи ғоя ва ташаббуслар мажмуи бўлган мазкур Концепцияни дунёнинг таниқли сиёсатшунослари, давлат ва жамоат ар-

намоиш этиш билан бирга, ишмишни кенгайтириш учун керакли маслаҳатлар, банкларнинг кредит хизматлари ҳақида керакли маълумот олдик.

— Овулда миллий хунармандчилик қадимдан ривож топган, — дейди кинимехлик тадбиркор Акмарал Шухаева. — Мана бу думбирани Беғей Унгаев ясаган. Мана бу қуроқларни овул қиз-жувонлари тикишган. Оиламиз билан келин қўйлақлар, кўрпа-ёстиқлар, турли хил кашталар тикамиш. Хотин-қизларимиз бўш қолмайди. Бугун кўпгина хунарманд ва тадбиркорлар билан тажриба алмашдик. Фаолиятимизни кенгайтириш учун кенг тушунчага эга бўлдик...

Барқарор даромад манбаи бўлган хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган муҳим омилдир. Бу борада олиб борилаётган изчил сиёсат тўғрисида касаначи-хунармандлар фаолияти кенг қўл очмоқда. Банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар соҳа вақилларига кўмак ва рағбат бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Эътироф

Европа Ўзбекистонга ҳурмат билан қарайди ва мамлакатнинг улкан салоҳиятини, хусусан, Ўрта Осиё минтақасидаги мақоми теган англаган ҳолда, шундай барқарор шерикка эга бўлишни истаيدди. Ўзбекистон ўз тарафидан қабул қилинган ва амалда қўлланиб келинаётган икки томонлама дастурлар доирасида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Бунинг Европа Иттифоқи ижобий ҳолатидир.

Ўзбекистонда Европа Иттифоқи Делегациясини таъсис этиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши, муносабатларнинг янада чуқурлашувидан далолатдир. Мазкур қадим Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга қизиқётган европалик сармоядорлар учун яна бир ижобий ҳолатдир.

Д.ДРОБОТУН,  
Украинада нашр этиладиган «Халқаро кўрьер» газетаси бош муҳаррири

## Янгиликлар

### 2011 йилнинг энг яхши банки

Етақчи халқаро молиявий нашрлардан бири «Global Finance» журнали «Кредит-стандарт» очик акционерлик тижорат банкини Ўзбекистоннинг 2011 йилдаги энг яхши банки деб тан олди.



Журнал эътирофига мижозларга хизмат кўрсатиш, рақобатбардорлик ва инновацион маҳсулотлардан кенг фойдаланиш каби бир қатор жаҳбаларда етакчиларгина сазовор бўлади. Танловда Марказий ва Шарқий Европа, Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва Лотин Америкасининг 20 та етақчи давлатлари банклари иштирок этиди. Молия экспертлари, таҳлилчилар ва банк соҳаси мутахассисларидан ташкил топган халқаро ҳайъат мукофоти шу йил кўзда Халқаро валюта фонди ва жаҳон банкининг қўша йиғилишида ўз эгаларига топширилади.

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

### Асосий вазифа — ишончни оқлаш

Абдуғаффор КИРФИЗБОЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
ЎзХДП фракцияси аъзоси



Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи ғоя ва ташаббуслар мажмуи бўлган мазкур Концепцияни дунёнинг таниқли сиёсатшунослари, давлат ва жамоат ар-

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун Президентимиз илгари сурган Концепцияга қаратилган дастлабки қонунлардан ҳисобланиб, давлат ҳокимияти тармоқларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мустақиллигини таъминлаш юзасидан муҳим ҳуқуқий механизмларни белгилайди.

Бунинг сабаби, биринчидан, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг янги босқичи учун шароит яратиш, одамларимиз ҳуқуқий маданияти, сиёсий онги бунга тайёр эканидир.

⇒ 2



20 мустақиллик — энг олий неъмат!

Дунё тараққиётида «Ўзбекча ривожланиш» ёки миллий иқтисодий тизим тамойиллари ⇒ 3

## Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 4 апрель

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 5 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1748,18	1 Миср фунти	282,46	1 СДР	2662,59	10 Жанубий Корея вони	15,50
1 Англия фунт стерлинги	2717,17	1 Канада доллари	1749,81	1 Туркия лираси	1102,32	10 Япония иенаси	199,93
1 БАА дирхами	458,54	1 Хитой юани	257,61	1 Швейцария франки	1822,34	1 Россия рубли	59,36
1 АҚШ доллари	1684,02	1 Малайзия рингити	556,70	1 Евро	2370,17	1 Украина гривнаси	211,56

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Асосий вазифа — ишонччи оқлаш

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимиз тараққиёти янада оқсалиб, демократик янгиланишларнинг навбатдаги босқичига ўтишиши учун, аввало, қонуний асослар яратилиши талабидан келиб чиқиб, Конституциянинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу эса демократик ислохотларни янада чуқурлаштириб, босқичма-босқич ривожланиш йўлини изчил давом эттиришга, хусусан, кўппартиявийлик тизимини мустахкамлашга, аҳолининг сиёсий етуклиги ҳамда ижтимоий фаоллиги янада ошишига йўл очади.

Конституциямизнинг 98-моддасига киритилган ўзгартишга асосан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик таъминлаш жорий этилмоқда. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик сотути институтини шакллантирилмоқда, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколатидан чиқаририлмоқда.

Бу ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлиб, ҳокимиятнинг унча субъекти, яъни давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан Президентга тақлиф этилади. Илгари Бош вазир номзодини кўрсатишда қанча депутатлик ўринини эгаллаганидан қатъи назар, барча сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари билан маслаҳатлашув ўтказилар эди. Яъни, бу борада миқдор жиҳатдан катта фракция ҳам, кичик фракция ҳам бир хил ҳуқуқ ва имкониятга эга эди. Энди эса кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партияга шунга яраша ҳуқуқ берилмоқда. Шу боис, ушбу янги тартиб партияларни янада фаоллаштиришга, сайловларга жиддий тайёргарлик кўришга ва ўзаро рақобатни кучайтиришга ундайди. Амалий ишлар, аниқ ташаббус ва тақлифлар билангина электротат ишончини қозониш ҳамда сайловларда муваффақиятли иштирок этиш мумкин.

Агар ҳақон тажрибаси ва мамлакатимиз босиб ўтган демократик тараққиёт йўлига эътибор қаратадиган бўлсак, Бош вазир номзодини кўрсатиш, у орқали давлатнинг мақсадларини рўйга чиқариш сиёсий партиянинг бўлиши — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади.

тиришга бор куч-гайратини сарфлаши табиий. Натижда сиёсий партияларнинг етуклик даражаси ортади. Бундан халқимиз, жамият фақат манфаат кўради.

Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Концепцияда илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Партия ташкилотлари дастурда белгиланган вазифаларни бажаришга астойдил киришди.

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашилардаги депутатларнинг ҳамкорлигини кучайтириш қонун ижодкорлиги жараёнида ташаббус кўрсатишда гоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қонунлар ижроси, давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларининг бажарилиши бўйича маҳаллий ҳокимлик ва идорабати ишони таҳлил ўрганиш, амалий тақлиф билдириш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тажрибасини ривожлантириш даркор.

Зеро, Конституциямизнинг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон ХДПнинг Сайловдаги дастурида белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун янада кенг имконият яратмоқда. Зиммасиздаги масъулиятни англаш ва берилаётган ваколатлардан қай даражада фойдаланиш партиямизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фаоли хамда депутатининг ҳаракати ва салоҳиятига боғлиқ.



Мастура САЙФИДИНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз илгари сурган Концепция асосида қабул қилинган қонунлар сиёсий партияларга назорат фаолиятини кучайтириш учун янги имкониятлар бермоқда. Бундан қандай фойдаланиш эса ҳар бир сиёсий партиянинг ўзига, етуклик даражасига ва албатта бошланғич ташкилотларининг фаоллигига боғлиқ.

Чунки, бошланғич ташкилот партиянинг асосий таянчи ва негизидир. Бошланғич ташкилотсиз сиёсий партияни тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса, БПТ одамларнинг кундалик муаммоларини яхши билади. Кучли қўйи бўлган эга бўлган партия, шубҳасиз, кучли партия...

Демак, бошланғич ташкилотлар жойларда партиянинг электоратини ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиши ва бартараф этиш йўллари, усуллари бўйича депутатлик гуруҳлари билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш керак. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштирмай, мониторинг ва жамоатчилик назорати функцияларидан фойдаланиш тажрибасини орттирмай туриб, қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Лекин очини, барча бошланғич ташкилотларимиз бирдек фаолият кўрсатайти, туман ва шаҳар партия кенгашиларининг бошланғич ташкилотларига фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари талаб даражасида, деб бўлмайди.

Агар БПТ етакчилари электорат вакиллари билан доимий алоқани йўлга қўйса, ижтимоий масалаларни ўрганиб, уларнинг натижасидан оқори партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳини хабардор қилса, албатта, бу депутатларимизга сессия муҳокамаларига масалалар киритиши учун асос бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари уларнинг тақлифларини қонунларда акс эттириш учун курашад. Ана шунда сиёсий партиялар учун яратилаётган имкониятдан самарали фойдаланган бўламиз.

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

# Кураш мактаби муаммолари

ҳал этиладиган бўлди

Халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида тумандаги кураш мактаби муаммолари атрофида қўриб чиқилди. ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан сессия кун тартибига киритилган мазкур масала бўйича партия кенгашининг раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Орифжон Охунов ахборот берди.

Тумандаги Тўйчи полков Сидиқов номли миллий кураш спорт мактаби 1993 йили ташкил топган. Утган йиллар давомида кураш мактабида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, мактаб таркибига туманнинг 15 хуудидида 59 та гуруҳ ташкил этилди. Уларда мингдан зиёд ўсмир-ёшлар кураш, белбоғли кураш, турон миллий якка кураши, юнон-рум кураши турлари бўйича шуғулланмоқда.

Эришилган натижалар ҳам диққатга сазовор. Кураш мактаби вакиллари орасидан 5 нафар жаҳон чемпиони, 15 нафар жаҳон чемпионати совриндори, 5 нафар Осиё чемпиони, 6 нафар Осиё чемпионати совриндори этишиб чиқди. 30 нафар олий, биринчи ва иккинчи тоифали мутахассис мураббийлар сабоғи билан 48 нафар тарбияланувчи республика биринчилиги голиби сифатида олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинди. Уларнинг 5 нафари «Халқаро тоифадаги спорт устаси», 31 нафари «Спорт устаси» унвонини қўлга киритди.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларининг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилиб, 17 та олтин, 8 та кумуш, 20 та бронза медални қўлга киритганлар ҳам шу кураш мактабининг тарбияланувчиларидир. Биргина ўтган йил якуни бўйича республика чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда кураш мактаби тарбияланувчиларининг 20 нафари олтин, 27 нафари кумуш, 34 нафари бронза медалга сазовор бўлгани қувонарли, албатта.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Нейматжон Тўйчиев раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган мазкур мактабга вилоятнинг Наманган шаҳри, Чуст, Косонийда ва Мингбулоқ туманларидан ўнлаб ёш полвонлар келиб, кат-

та иштиёқ билан шуғулланмоқда.

Кураш мактаби тарбияланувчиларидан Рустам Умаров муваффақиятлари туфайли Президентимиз томонидан «Матиз» автомашинаси билан тақдирлангандики, бу ҳам спорт мактабига қаратилган эътиборнинг амалий ифодасидир...

Афсуски, «Ширинлик» маданият саройининг мослаштирилган хоналарида фаолият кўрсатган мазкур мактабининг моддий-техник базаси унинг нуфузига ҳам, бугунги кун талабига ҳам жавоб бермайди. Одатда, маълум бир масала сессия муҳокамасига киритилганида унинг сабаблари ўрганилади.

Шу жиҳатдан ЎзХДПдан туман Кенгаши депутатлари масалани гоят ҳушдорлик ва синчковлик билан ўрганди. Муҳокама жараёнида маҳаллий ҳокимият, ҳомий ташкилотлар, хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кураш мактабига катта эътибор қаратаётгани қайд этилди.

Аммо довуғли кураш мактабининг жойи ва жиҳозланиши билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш чўзилиб келинаётганди.

Мослаштирилган бинода жойлашгани сабабли, табиийки, мактаб мураббийлари ва тарбияланувчилари кийим алмаштириши, ювенили учун шарт-шароит йўқ. Машгулотлар учун зарур анжомлар ва кулайлик етарли эмас.

Сессияда масала бўйича таҳлилий ҳулоса умумлаштирилиб, фикр-мулоҳаза ва тақлифлар ўртага ташланди. Шундан келиб чиқиб, кураш мактабининг моддий-техник базасини мустахкамлаш, тарбияланувчи ва мураббийлар учун кулай шарт-шароит яратиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси қарор қабул қилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Ишлаб чиқаришнинг янги имкониятлари

Анджонда транспорт воситалари учун махсус узел ва деталлар ишлаб чиқарувчи янги цех ишга тушди.

Импорт ўрнини босувчи мазкур маҳсулотлар «Ўз-Донг-Янг» ўзбек-корей қўшма корхонаси ҳамда «Водий Олтин куз» масъулият чекланган жамияти ҳамкорлигида ишлаб чиқарилмоқда. Янги цехга Хитойдан 165 минг АҚШ доллари миқдоридидаги замонавий ускуналар ўрнатилган.

Корхонада ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтириш мақсадида жорий йилда 300 минг АҚШ долларилик замонавий ускуналар ўрнатилиши режалаштирилган. Бу иш қўламини янада ошириш баробарида, қўшимча янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

(ЎЗА)

# Микромолиявий хизматлар, янги иш ўринлари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тадбиркорларимиз эркин фаолият юритиши учун янада қулай шароит яратилапти, — дейди «Асака» банк вилоят филиали бошқарувчиси Азиза Ниёзова. — Янги корхоналар очилар учун банклардан имтиёзли кредитлар ажратилапти. Президентимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳужайдаларида қорва молларини кўпайтириши рағбатлантиришга қаратилган қарорига асосан кам таъминланган оилалар қорвачилар ва паррандачиликни ривожлантириши учун имтиёзли кредитлар берилмоқда. Бугунги тадбирда хусусий тармок вакиллари, энди иш бошлаётган тадбиркорлар банклар ва уларнинг хизмат турлари тўғрисида керакли янгиликлар олди. Бизнинг банкимизда ҳам бир неча кредит турлари мавжуд. Бунда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг имкониятлар, кредитларнинг йўналишлари ҳақида тушунтиришлар, янги голяри борларга бизнес-режа тузиш ҳақида маслаҳатлар бераёғимиз.



Иқтисодий форум доирасида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Аҳад Аҳмедов, Искандар Азизов, Абдуқаҳҳор Юсупов ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари фуқароларини қабул қилди.

— Хизмат кўрсатиш соҳасида ўз бизнесини ташкил этмоқчи-

ман, — дейди коллеж битирувчиси Аббос Назиров. — Қариндошларим, қўшниларим билан бирга, молиявий харажатлар ва бу соҳадаги рақобатни ўрганиш керак. Энди менга бизнес-режа тузишда ёрдам керак. Шу сабабли депутатларга мурожаат қилдим. Шу ерининг ўзида депутатлар ҳамда «Микрокредитбанк» вакиллари кредит олиш ва қайтартиш тартиби, маблагини тўғри сарфлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш борабди барча са-пуллимга жавоб беришди.

— Мен Меҳрибонлик уйида катта бўлганман, — дейди Гўлмира Балатова. — Мамлакатимизда

ёшлар учун барча шароитлар яратилган. Мен улардан фойдаланиб, олий таълим олдим, рус тили ва адабиёти фани ўқитувчисиман. Аммо мутахассислигим бўйича иш топишда қийналдим. Бугун депутатлар кўмаги билан кўнглимга ёқадиган иш топаганидан хурсандман.

Шунингдек, қабулхонага Хатирчи туманидаги «Қўрғонча» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Жўраев, Навоий шаҳридан Дилмурод Ибрагимов ҳамда Икром Асадов каби 20 дан ортиқ фуқаро мурожаат қилди.

— Бугун ишловлар ва яратувчанлик кайфиятини ҳар бир

гўшада кузатиш мумкин, — дейди Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Турсун Самадов. — Буни биргина Навоий шаҳри мисолига ҳам кўриб туришимиз керак. Лекин жойларда айрим камчиликлар, ўзибўларчилик ҳолатлари учраб турибди. Кўчма жамоатчилик қабулхонаси шу каби ҳолатларни яна бир бор чуқур ўрганишга имкон яратди. Партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар билан ўзаро ҳамкорликда мурожаатларда кўтарилган масалаларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилдик. Қолганлари назоратимизда бўлади. Айрим муаммолар юзасидан шаҳар Кенгаши сессиялари, доимий комиссиялари мажлислари муҳокамасига масала киритишнинг режалаштирдик. Олий Мажлисдаги депутатларимизга ҳам айрим қонунларни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар айтдик. Жамоатчилик қабулхонасида нафақат фуқаролар мурожаатлари билан танишдик, балки ўзаро фикр алмашдик.

Таъкидлаш керакки, мурожаатларнинг асосий қисмини ўз ботиб-нелини бошлаш, турар-жой сотиб олиш учун кредит олиш ҳамда ишга жойлашиш каби масалалар ташкил этди. Иқтисодий форумда банкларнинг раҳбарлари, вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирок этгани муаммолар ечими борасида тезкор чора-тадбир белгилаб олиш имконини берди.

Феруза ҚОДИРОВА, Анастасия МАРШАЛКИНА

# Хорижда Ливия: вазият мураккаблагича қолмоқда


Икки ҳафтадан бундан давом этаётган ҳаво ҳужумлари Ливиянинг амалдаги тузуми Муаммар Каддафийнинг бутунлай ҳолдан тойдирди.



Мамлакатда тартибсизлик ва очлик авж олди. Каддафийнинг яқин амалдорлари эса бирин-кетин мамлакатни ташлаб қочмоқда. Инқилоб «дохий»-сининг маслакдошлари ҳам ҳокимиятни топшириш пайига тушиб қолган. Хусусан, Муаммар Каддафийнинг Ҳамис ва Биляхи исмли ўғиллари АҚШнинг нуфузли наشري «Нью Йорк Таймс»да чиқиш қилиб, отасининг истеъфоси халқнинг эркин нафас олишига замин яратишини таъкидлади. Уларнинг фикрича, демократик тамойилларга мувофиқ тузиладиган янги бошқарув тизимида Муаммар Каддафий ҳам, унинг тарафдорлари ҳам бўлмаслиги керак.

# Жосусликда айбланди

Жосуслик ва давлатга хиёнатда айбланган Шимолий Кореянинг собиқ алоқа ва молия вазирлари отуғра ҳукм қилинган.



1998-2008 йилларда мамлакатда алоқа вазирини лавозимига фаолият юритган Ким Ен Сам Хитой учрашувидан қайтаётган мамлакат раҳбарига суиқасд қилишга уринган. У лавозимидан фойдаланиб, фақат Ким Чен Ирнинг шахсий таркиби ва алоқачиларига маълум бўладиган ҳужум делегацияси қайтиш вақтини аниқлаган ва темир йўл станциясида кўпуровчилик уюштирган.

# Қандаҳорда тартибсизлик

Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида бир гуруҳ ёшлар БМТ қароргоҳи олдида норозилик намойиши ўтказди.



Намойиш тартибсизликка айланди. Уни бостиришга уринган полиция офицери жиддий яраланди. Икки ўртада юз берган тўқнашувда ўнлаб намойишчилар қурбон бўлди, юздан ортиги жароҳат олди. Айти пайтда вазият анча қўшмаган. Кўчаларда дўконлар ёпиқлигини ҳисобга олмас, тинчлик ҳукм сурмоқда. Маълумотларга қараганда, афғонларнинг жунбушга келишига ўтган жума кунини АҚШнинг Флорида штатида пастор-руҳоний Терри Жонсон черковда жамоатчилик кўз ўнгига Қуръон каримини ёқиб юборгани сабаб бўлган. Бир неча кун илгари эса Мозори Шарифда ҳам ғазабга келган оломон БМТ миссиясига ҳужум қилган, етти нафар БМТ ходими қурбон бўлиб, 20 нафари жароҳат олган эди.

# «Фукусима»да аҳвол оғир

Япониянинг «Фукусима-1» АЭСида таъмирлаш ишлари ҳамон бесамар кетмоқда.



Маълумотларга қараганда, реакторлардан чиқётган радиактив суюқлик мутахассисларнинг ишига жиддий ҳалал бермоқда. АЭСдаги ҳарорат ўта хавфли кўрсаткичга етган. Радиация даражаси меъёрдан юқарида минг бараварга ортаган. Станция устига серилган ҳароратни туширувчи махсус қотишма фойда бермади. Реакторлар ёриқларини ямаш мўлжалланганидан кўп вақт талаб қиляпти. — Қайта йўқотишлар бўлмаслиги учун реакторларни совутиш жуда муҳим, — дейди Япония ядро хавфсизлиги агентлиги раҳбари Хидеяки Нишияма. — Бунинг учун, аввало, захарланган сувни труба залларидан сўриб олиш керак. Иккинчидан, радиация даражасини камайтириш ва унинг тарқалиш манбаларини бартараф қилиш лозим. Учинчидан, тизимни доимий совутиш қурилмалари билан таъминлаш зарур. Япония маъмурияти халқни тинчлантириш учун ОАВда АЭСдаги муваффақиятли ишлар ҳақида умидбахш чиқишлар ташкил этмоқда, аммо аҳвол чигаллигича қолмоқда...



Президентимиз истиқлолнинг дастлабки кунларида: «Миллий ғурур, миллий ифтихор туйеуларини одамлар қалбига синедиришнинг янгича йўли ва усулларини, тарғибот механизмини топиш лозим», деган эди. Бунда асос бор. Чунки, мустақиллик туйфайли кўлга киритилган ютуқларни билиш озодликни қадрлашни ўргатади, эртанги кунга бўлган ишончни янада мустақамлайди.

# Дунё тараққиётида

## «Ўзбекча ривожланиш»

### ёки миллий иқтисодий тизим тамойиллари

#### Яқин ўтмишга бир назар...

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Тўқсонинчи йиллар охири. Бир куни озик-овқат дўконига кирсам, одамлар «буханка» нонни йиғирма-ўттиз донадан, урни эса қоли билан сотиб олаётган экан. Дўконда бир танишганимни учратиб қолдим. Ундан: «Нима гап, тинчликми?» — деб сўрадим. У: «Хали хабаринг йўқми? Янги йилдан кейин ун тортилармиш, бизга ҳеч ким дон сотмас эмиш, шунинг учун нон қуритиб кўйилса, иккинчи томондан, — дея жавоб қилди. Бир муддат ўтиб, шакар, гурут, ош тузини ҳам оммавий тарзда «захира» учун жамғариб қўйиб бошланди. Кишилар эртанги кунга ишонсизлик билан қарар, бугуннинг ташвишидан ортмасди.

Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ўта аянчли аҳволда эди. Бу ҳолат, аввало, у бир томонлама, асосан хомашё етказиб беришга йўналтирилгани билан изоҳлана, иккинчи томондан, республика иқтисодиёти талаб ва тақлифлар мутаносиблиги издан чиққан эди. Агар, кишилар ҳаёти ва турмуш тарзига ўзгача мазмун, дилларга умид ва ишонч олиб қилинса, бутун бошли Республикада парокандалик ва бошбошдоқлик ҳавфи ошиб бораётган эди.

Маълумки, халқимиз дон ва дон маҳсулотларини нисбатан кўп истеъмол қилади. Ўшанда галла тақчиллиги жиддий муаммага айланган эди. Агар, республикада атиги икки ҳафтага етадиган галла захираси қолганини

сиятларга тўғри келмаслигини, умуман, бир давлат тараққиёт йўлини қандай бўлса шундайлигича «андоза» сифатида олиб, бошқа бир мамлакатта татбиқ этиб бўлмаслигини таъкидлаган ҳолда, бевосита ўзи бош бўлиб, миллий тараққиёт моделимизни ишлаб чиқди. Шу тариха ёш давлатимиз ўз тараққиёт йўлига эга бўлди ва у жаҳонда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилди. Бу модель миллий дунёқарашимизни яқлитилганига ўзида жам қилган, мамлакатимиз ривожланиш йўли, жумладан, унинг иқтисодий соҳада ҳам мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган, босқичма-босқичли, тизимлилик хусусиятларига асосланган машҳур беш тамойилда намойён бўлди.

1995 йили Президент Ислам Каримовнинг давлатимиз келажагининг тамал тошини қўйган, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожининг концептуал масалаларини ўзида мўжасман этган «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарини нашрдан чиқди. Маълумки, бу асарда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишдаги биринчи босқичи яқунлари ва сабоқлари, иккинчи босқичнинг ўзига хос хусусиятлари, мавжуд муаммолар ва уларнинг ҳал этиш йўллари, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият билан ўзаро муносабатга киришишдаги ўзига хос жиҳатлари, барча-барчаси батафсил ёритилган. Кейинчалик ислохотлар йўлидаги стратегик йўналишлардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари ол-

қарувининг маъмурий-буйруқбозликка асосланган шаклидан бозор иқтисодиётига асосланган бошқарув тизимига ўтилиши, барча муносабатларнинг мулкка муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Аслида, хали мустақилликкача, яъни 1990 йилнинг октябрида «Ўзбекистон Республикасида мулк ҳақида»ги Қонун қабул қилинган эди. Унга кўра, илк бор барча мулк шакллари ҳуқуқий мақоми, ваколат ва бурчлари қонуний асосда мустақамланган. 1991 йилнинг феврал ойида эса, «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Шу тариха тадбиркорлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, бошқа ҳўжалик субъектлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатлари асоси яратилди.

Иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, энг аввало, муаммо ва вазифалар орасидан устувор йўналишлар белгилаб олинди. **Мана шундаги тўғри қарор қабул қилиш миллий иқтисодий тизим тараққиётини янги босқичга кўтариш имконини яратди.**

Дастлабки устувор вазифа сифатида қишлоқ ҳўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган саноатда қайта ишлаш тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият берилди. Чунки иқтисодиётнинг агар тармоғини ривожлантириш Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишдаги бутун стратегиясининг ҳал қилувчи бўғини ҳисобланган. Нимага десангиз, аҳолининг 60 фоиздан ор-

бўлмасди. Бусиз миллий иқтисодий тизим тараққиёт этимайди.

Шу мақсадда 1991-2000 йилларда 83,5 мингдан ортиқ, 2001-2009 йиллар мобайнида эса 8919 та давлат тасарруфидоғи қорхона ва объект хусусийлаштирилди. Агар 1990 йили яппи ички маҳсулот (ЙИМ) умумий ҳажмининг атиги 38,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат тармоғида ишлаб чиқилган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 81,3 фоизни ташкил этди. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва чакана савдо айланмасида бу кўрсаткич энг юқори даражага — 99,9 фоизга етди.

Албатта, маъмурий-буйруқбозликка асосланган, бир томонлама ривожланган иқтисодиёт, ўз навбатида, чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо этарди. Шу мақсадда мамлакатнинг ёнлиги-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ички маҳсулот ҳисобидан тўла таъминланди. Агар 1990 йили 2 млн. 810 минг тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқилган бўлса, 2009 йилга келиб, бу кўрсаткич 4 млн. 500 минг тоннадан ошди.

Миллий иқтисодиётда биз учун муҳлақо янги — автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, қанд-шакар, фармацевтика соҳалари вужудга келди. Саноатда юксак технологияга асосланган машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат сингарии истиқболли тармоқлар ҳиссаси ортди.

Хомашё ресурсларини қайта ишлаб, истеъмолга тайёр маҳсулотларни кўпайтириш эвазига мамлакатнинг индустриал салоҳияти юксалиб, мустақамланди. Бунга эришишда давлатимиз раҳбари пухта ишлаб чиққан дастур ва вазифаларнинг ўз вақтида қўйишга қўйилиши ва уларнинг изчил бажарилиши ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Мамлакатимиз яппи ички маҳсулоти (ЙИМ) таркибида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, 2009 йили 2000 йилга нисбатан ЙИМда саноатнинг улуши 1,7 марта ошган бўлса, қишлоқ ҳўжалиги тармоғининг улуши деярли шунчага қисқарди. Натияжада, ЙИМда саноат улуши 24 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги улуши 18 фоизни ташкил этди.

Энг муҳими, бош ислохотчи — давлат томонидан узокчи кўзлаб ва пухта ўйланган саяё-ҳаракатлар самараси ўлароқ, республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тизимли, босқичли ва изчил иқтисодий муносабатлар механизми юзага келдики, бунинг самараси халқ фаровонлиги, юрт равнақи ва Ватан тараққиёти мисолида ўз аксини топти. **Бу эса, мамлакат миллий иқтисодий тизимининг янада такомиллашувига хизмат қилди, десақ, мулобага бўлмади.**

Обиддин МАҲМУДОВ, иқтисод фанлари номзоди.

# «Ўз бизнесимни очмоқчиман»

«Ўзбекистон овози» газетасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан янги руҳ ташкил этилгани ғоят хайрли иш бўлибди. Мен кўпдан бери яқна тартибдаги тадбиркорликни бошлаш учун нима қилиш кераклиги, у қандай тартибда расмийлаштирилишини билмай қийналаётган эдим. Газета имкониятидан фойдаланиб, шу хусусдаги саволларимни бермоқчиман: яқна тартибдаги тадбиркор бўлиб рўйхатдан ўтишим учун қандай ҳужжатлар тўплашим ва қаерга тақдим этишим керак?

Бахтиёр МАҲМУДОВ, Жиззах вилояти, Фориш тумани

**Жавоб:** — Вазирлар Маҳамасининг 2006 йил 24 майдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низоми»нинг 12-бандига асосан давлат рўйхатидан ўтказиш учун жисмоний шахс ўз яшаш жойидаги Давлат солиқ инспекциясига келиб ёки почта орқали давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза-жабарнома тақдим этади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза-жабарномага қўйидаги ҳужжатлар

илова қилинади:  
— 3х4 см. ўлчамдаги иккита фотосурат;  
— давлат божининг белгиланган миқдори тўлангани ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;  
— уч нусxada муҳр ва штамп эскизлари (яқна тадбиркор хоҳишига кўра);  
— паспорт нусхаси.  
Сиз ушбу ҳужжатларни ўзингиз истиколат солиқ инспекциясига келиб ёки почта орқали давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этсангиз, яқна тартибдаги тадбиркор бўлиб давлат рўйхатидан ўтишингиз ва ўз бизнесингиз билан шуғулланишингиз мумкин.

Юридик шахс бўлмасдан, импорт товарлар олиб келувчи яқна тартибдаги тадбиркор бўлиб рўйхатдан ўтмоқчиман. Бунинг учун қандай ҳужжатлар керак бўлади?

Каримбой ЖУМАНИЕЗОВ, Хоразм вилояти, Гурлан тумани

**Жавоб:** — юридик шахс бўлмасдан, импорт товарларини олиб келувчи яқна тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахсларнинг яшаш жойи бўйича давлат солиқ инспекциясига амалга оширилади. Хусусан, Вазирлар Маҳамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ, яқна тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан

ўтказиш учун ариза берилди ва унга 3х4 ўлчамли тўртта фотосурат, давлат божи тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати, яқна тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойи бўйича фуқароларнинг маълумотнома-тасдиқномаси, муҳр ва штамп эскизлари уч нусxada илова қилинади. Шунингдек, ариза берилганда паспорт кўрсатилади.

Кейинги йилларда мебель ишлаб чиқариш соҳаси анча ривожланди. Мен мебель йиғиш ва таъмирлашга мўлжалланган кичик қорхона очмоқчиман. Бу фаолият билан яқна тартибдаги тадбиркор сифатида шуғуллансам бўладими?

Қодиржон ХУСАИНОВ, Навоий вилояти, Қонимех тумани

**Жавоб:** — Вазирлар Маҳамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сонли қарори билан «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият

турлари рўйхати» тасдиқланган бўлиб, унга асосан мебелни йиғиш ва таъмирлаш фаолияти билан юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланишингиз мумкин.

Мен Юнусобод деҳқон бозорида лазерли дискларни ёзиш, кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланиш мақсадида кичик савдо нуқтаси очиб, иш бошлаган эдим. Аммо бир-икки кундан сўнг солиқ идораси вакиллари келиб менинг фаолиятимни тақиқлаб қўйишди ва бу фаолият билан тегишли тартибда лицензия олгандан сўнг шуғулланиш мумкинлигини айтишди. Шу тўғрими?

Умид СИРОЖИДДИНОВ, Тошкент шаҳри, Миробод тумани

**Жавоб:** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сонли қарори билан тасдиқланган «Грампластинкалар, аудиокассета-лар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги

публикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг комиссиялари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Лицензия талабдорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилиши мумкин. Грампластинкалар, аудиокассета-лар, лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия камида 5 йил муддатга берилди.

Лицензия талабдорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилиши мумкин. Грампластинкалар, аудиокассета-лар, лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия камида 5 йил муддатга берилди.

Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланмоқчиман, бу қандай тартибда расмийлаштирилади?

Гулчехра МИРОБИДОВА, Тошкент вилояти, Уртачирчиқ тумани

**Жавоб:** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-11-сон қарори билан «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати»га асосан улгуржи савдо фао-

лияти лицензия талаб қиладиган фаолият тури бўлиб, унга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш Вазирлар Маҳамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарори асосида амалга оширилади.

Саволларга Адлия вазирлигининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси Шавкат САТТОНОВ жавоб берди.

**1990 йилда Ўзбекистон:**  
— **собиқ иттифоқнинг республикалараро савдо айланмасида салбий салдо 3,7 миллиард рублни ёки яппи миллий маҳсулотнинг қарийб 11 фоизини ташкил этарди;**  
— **пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан республикадан ташқарига олиб кетиларди;**  
— **саноатда тайёр маҳсулотлар улуши 50 фоизни ташкил этарди;**  
— **ҳар йили четдан ўртача 3 миллион тонна буддой келтириларди;**  
— **70 фоиз республика аҳолисининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қўйи даражадан ҳам паст эди...**

ҳисобга олсақ, вазият қанчалик кескин тус олгани кўндий равшан бўлади.

Мана шундай оғир ва мураккаб шароитда Юртбошимиз Ислам Каримов қатъий билан иш кўради: санокчи кунлар ичида чет элдан етарли миқдорда галла олиб келинади. Шу тариха мамлакатда очарчиликнинг олди олинди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари галла мустақиллигини муҳим стратегик вазифа сифатида қатъий қилиб кўн тартибига қўйди. Ва атиги ўн йил ичида галла мустақиллигига эришилди.

#### Узоқ қутилган ёруғлик

Ҳа, ана шундай зиддиятчи бир шароитда, бугун ҳўжалик тизимини тубдан ўзгартириш, бозор муносабати ҳум сураётган жаҳон ҳамжамиятига юз тутишдек машаққатли вазифа олдимизда кўндалан турган бир вазиятда енгил йўл танланмади...

Бор куч ва ғайрат асосий мақсад — мамлакат иқтисодиётини кўтаришга, қолаверса, унинг куч-қудратини белгилайдиган бош кўрсаткич — халқ фаровонлигини ошириш ва яппи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга қаратилди.

Тўғри, собиқ иттифок парчаланган, бошқа республикалар ҳам ўз тараққиёт йўлини излай бошладилар. Масалан, Россия Федерациясида бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Беш юз кун» деган дастури, унга асосланган «Шок терапияси» модели ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Бу моделини инкор этувчи иқтисодчилар гуруҳи эса, ўзларининг андозаларини тақлиф этти.

Эндигина мустақил бўлиб, миллий давлатчиликни барпо этаётган Ўзбекистонга ҳам бозор муносабатига ўтишнинг турли шакллари «тиқчи-тиқчи»га интилиш кўп бўлди. Бирок давлатимиз раҳбари мазкур моделларнинг биронтаси ҳам миллий менталитетимиз, урф-одатларимиз ва иқтисодиётимиздаги ўзига хос хусу-

дида турган вазифа ва мақсадлар янада аниқлаштирилди ва такомиллаштирилди. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, халқимизнинг миллий урф-одатлари, интеллектуал даражаси, демократик бошқарув шакли ҳамда келгусидаги мақсад-режаларни мўжасман этган миллий иқтисодий тизим таркиб топти.

**Миллий иқтисодий тизим — Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини мувофиқлаштирган ҳолда, халқаро ҳамжамиятда унинг нуфузини оширишга қаратилган изчил бошқарув мажмуидир.** Энг муҳими, бунда шахс, миллат ва давлатнинг манфаатлари уйғунлашган, аввало, ҳар бир жамоада, яхлит ҳолда эса жамиятда миллий бирдамлик ва фидокорлик туйғуси устувор бўлишига қаратилган.

Аввало, бу тизимда мамлакат иқтисодий мустақиллигини таъминловчи омиллар — нефть ва газ мажмуи, энергетика соҳалари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсишига алоҳида эътибор берилди. Зеро, энди оёққа турарётган давлат учун ички салоҳиятини ишга солиш, ундан самарали фойдаланиш биринчи галдаги долзарб вазифа сифатида қаралди.

Қолаверса, мамлакат мулкчини талон-торож қилишга йўл қўймасдан, хусусийлаштириш (айниқса, стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик ишлаб чиқариш мажмуалари) ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари босқичма-босқич, узоқ муддатга мўлжалланган тарзда олиб борилди. Албатта, бу ҳақда четдан ақл ўргатганлар оз эмас эди, лекин биз ўз танлаган йўлимиздан бордик.

#### Ёр-мулк эгасини топмоғи шарт

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий асоси ўша тизимдаги мавжуд мулкчилик шаклининг хилма-хиллиги билан белгиланади. Давлат бош-

тиги қишлоқларда яшаган, миллий даромаднинг 44 фоизидан ошиғи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари улушига тўғри келган.

Қишлоқ ҳўжалигида манфаатдорлигини ошириш учун аввало, пахта яқна ҳўқимлигига чек қўйилди, қишлоқ ҳўжалиги экинларида бушаётган ер ҳисобидан деҳқон(фермер) ҳўжаликлари ташкил этилди, шу билан берга, шахсий томорқа ҳўжаликлари кенгайтирилди. Уша даврда 2,5 миллион оилага илк бор томорқа ва қўшимча томорқа берилди. Агар 1990 йили шахсий томорқа ҳўжаликлари 205 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб, бу кўрсаткич 550 минг гектардан ошиб кетди. Натияжада фермер ҳўжаликларида манфаатдорлик, ерга эғалик ва ишчанлик туйғуси ошди, бу эса, ўз навбатида турмуш фаровонлигига хизмат қила бошладилар.

Шу тарзда аста-секин мулк эгалари шаклланди. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, уларнинг дахлсизлиги таъминланди. Давлат тасарруфидан бўлган қорхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Бу эса оддий фўқаро ҳам мулк тақсимотида тенг ҳуқуқли субъект сифатида қатнашиш ҳуқуқини берди. Қаранг, 1992-94 йилларда 98 мингдан ортиқ давлатга тегишли ишхотлар хусусийлаштирилди ва очик турдаги акциядорлик жамиятлари сони уч ярим мингдан ошиб кетди.

Бундан мақсад — ҳақиқий мулк эгаларини шакллантириш, уларни тараққий эттириш ва миллий иқтисодий тизимга изчиллик киритиш эди.

Ислохотларни чуқурлаштиришнинг навбатдаги устувор йўналиши — кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш, унинг салмоқли қисмини хусусий мулк шаклига айлантиришдан иборатдир. Нега бундай йўл тутилди? Чунки мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартмай туриб, чинакам иқтисодий манфаатлар кўрашини, яъни рақобат муҳитини яратиш

**Ташкилотлар ва қорхоналар раҳбарлари диққатига!**  
**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**  
**қўйидаги объектни таъмирлаш бўйича пўратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказиши**  
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:  
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги вилоят ҳокимлигининг меҳмонхона мажмуасини капитал таъмирлаш. **Объектнинг боиланч нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан — 1030,288 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 858,573 млн. сўм, қўрилуш муддати — 4,5 ой.  
**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.  
**Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакумтоқ кўчаси, 5-уй, **Тел/факс:** (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.  
**Объектнинг қўрилуш ишларини молиялаштириш вилоятнинг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**  
Танлов савдосида қатнашиш учун талабдорлар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоизи миқдоридоғи айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағнинг беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий маляка, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.  
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.  
Савдодо қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурилиш» қўмитасини қўрилушда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:  
**Термиз шаҳри, Амир Теймур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76. Бир тўғлам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.** Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кўни ва соати. Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бешлаб 80 кундан кейин қўйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Теймур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

Ёш олимларнинг янги изланишлари

ёки Фаргона давлат университетида амалга оширилаётган инновацион тадқиқотлар ҳақида

Фаргона водийсининг Сўх дарёси ҳавзасида яшовчи аҳоли асосан шолчилик билан шуғулланади. Бу ерлардаги тупроқ унумдорлиги, етиштирилаётган шолчи маҳсулотлари таркибиде микроэлементларнинг бойлиги кўпчиликини ҳайратга солиб келарди.

Муроджон кўп йиллик машаққатли изланишлардан сўнг дарёнинг ёйилма тупроғи таркибиде 27 та кимёвий ва 4 та микроэлемент мавжудлигини аниқлади. Хусусан, у Сўх ҳавзаси тупроғининг молибденга бойлиги бу ерда шолчилик ташкари қанд лавлагга ўстириш учун ҳам имконият катталлиги ва унинг ҳар бир гектаридан 200 центнергача ҳосил олиши мумкинлигини исботлади.

«Хар қандай илмий изланишнинг аҳамияти унинг амалий натижаси билан ўлчангани, — дейди кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Фуломжон Йўлдошев. — Муроджоннинг мамлакатимизда тупроқшунослик фанининг янада тараққий этишига туртки берадиган илмий хулосалари натижасида, Сўх дарёси ҳавзасида узум ва лавлагга етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, яқинда ёш олим Бувайда туманидаги экин майдонларининг шўрланганлик даражасини ўрганиб, махсус хари таярлатди. Бу эса деҳқонларга ернинг шўрлини қай йўсинда ва неча марта ювиш зарурлигини илмий исботланган тавсияларга асосланиб аниқлаш имконини берди.

Муроджон Исоғалиевнинг ушбу тадқиқотларни амалга оширишида Фаргона давлат университети профессори ўқитувчиларининг ҳам хиссаси катта, албатта. Зеро, бугун мазкур олий ўқув юртида ёш олимлар, хусусан, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган магистр ва бакалаврларнинг ўз истеъодларини намоён этишлари

ри учун барча шарт-шароитлар яратилган. 2010 йилда биргина кимё кафедрасида ташкил этилган инновацион гуруҳ томонидан газдан вазелин олиш, спирт чиқиндисидан фойдаланиш ҳамда шиша буюмлар ва ойналарга ранг бериш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Жорий йилда эса, «Фаргона-пахтасаноат» корхонаси билан имзоланган шартномага мувофиқ, пахта хомашёсини инфракизилнурлар таъсирида қуритиш технологияси ишлаб чиқилди. Шу пайтга қадар бунинг учун иссиқ ҳаво оқимидан фойдаланиларди. Бунда ҳавони қиздириш учун суоқ ва газсимон ёқилгилар керак бўларди. Бу эса, атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмасди. Янги технологиянинг муҳим аҳамияти шундаки, қуритиш жараёнида хомашё қизиқ кетмайди, тола ва чигитдаги барча хусусиятлар сақланади. Энг асосийси, бунда экологик ҳаф пайдо бўлмайди.

— Университетимизда давлат грантлари асосида олиб борилаётган илмий изланишлар кўлами кенгайиб бормоқда, — дейди Фаргона давлат университети проректори, профессор Салим Отажонов. — Жумладан, охириги уч йил мобайнида давлат грантлари лойиҳалари асосида умумий ҳажми 115, 8 миллион сўмлик тадқиқотлар амалга оширилган бўлса, 2010 йилнинг ўзиде бу кўрсаткич 112, 7 миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, олий таълим муассасаларида ишлаб чиқилган инновацион гоёларни корхоналар трансферига жорий этиш дастури доирасида умумий ҳажми 933, 6 миң евро микдоридеги халқаро «Темпус» лойиҳасида иштирок этилган. Ушбу янги лойиҳа юртимиздаги илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишда, шубҳасиз, улкан аҳамият касб этди.

Мухаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Таълим ва ислоҳот



Касб-ҳунар коллежлари:

«Корхона — коллеж» ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 9-синф битирувчилари касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш, ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқарган ёшларни ишга жойлаштириш каби долзарб масалаларга алоҳида урғу берилган.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида бу борадаги муаммолар ечимини ижобий ҳал этишга қаратилган қатор чора-тадбирлар қўрилмоқда. Айниқса, 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълимига жалб этиш юзасида амалга оширилган ишлар тахсинга созовор.

Хусусан, 2002 йилда ўқувчиларнинг атиги 37 фоизи таълимни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида давом эттирган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 93,5 фоизни, 2009-2010 йилларда эса 100 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари, Шўманай, Тахтақўпир, Кегейли ва Нукус туманлари халқ таълими бўлиmlарида 9-синф битирувчиларига қулайлик яратиш мақсади-

да академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳақида ўзига хос маълумотлар банки ташкил этилди, уларни коллеж ва лицейлардаги таълим йўналишлари билан янада яқинроқ таништириш мақсадида «Очиг эшиклар кўни» тадбирлари ҳам мунтазам ўтказилмоқда.

Хозирги кунда Қорақалпоғистон Республикада 91 та касб-ҳунар коллежи ва 10 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда 2010 йилда мазкур таълим масканларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва модернизация қилиш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларини ҳам эътироф этиш жоиз. Жумладан, 10 та касб-ҳунар коллежларига замонавий ўқув-лаборатория

бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Эътиборлиси, 2009-2010 ўқув йилида республикадаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 30 миң 595 нафар ўқувчидан 29 миң нафари ўзи тахсил олган йўналиш бўйича ишга жойлашди.

2010-2011 йилда касб-ҳунар коллежларини 30 миңга яқин ўқувчи битириши кутилмоқда. Хозирда-ноқ, уларни иш билан таъминлаш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бoшқармаси ҳамкорлигида тадбиркорлик қилмоқчи ёки ўз шахсий бизнесини юритмоқчи бўлган ўқувчи ёшлар билан белгиланган график асосида шартнома тузиш ишлари олиб бoрилмоқда.

Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда битирувчиларнинг иш жойини олдидан белгилашга киришиш, коллеж ўқувчиларининг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш, бошқача айтганда уларнинг аниқ бир иш жойига бириктириб қўйилишини таъминлаш жуда муҳимдир.

Рейимбой ЁШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Қутилмаган натижалар, шиддатли баҳслар

Футбол бўйича 20-миллият чемпионат баҳслари кескин ўтаётгани мухлисларни хурсанд қилмоқда. Жумладан, етакчилар — «Бунёдкор», «Насаф» ҳамда «Пахтакор» жамоалари туртинчи турда очко йўқотишган бўлса, қолган учрашувларда ҳам бир қатор қутилмаган натижалар қайд этилди.

Гузорда «Шўртан» футболчилари Бекободнинг «Металлург» жамоасига 2:3 ҳисобида имкониятни бой бериб, ўз мухлисларини ранжитди. «Навбахор» вакиллари эса сафарда тўп суришларига қарамай, Самарқанд динамочиларини доғда қолдиришнинг уйдасидан чиқди — 0:1. Туртинчи турнинг энг йирик ҳисоби Андижонда қайд этилди. Унда «Андижон» вакиллари Муборакнинг «Машъал» жамоаси дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўллашди — 4:0.

Бу йил яна кучлилар қаторига қўшилган Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси меҳмонда уч очкони қўлга киритиши мумкин эди. Улар «Олмалик» жамоасига қарши кенган учрашунинг туғасига санокли дақиқалар қолганда ўз дарвозаларидан иккинчи тўпни олиб чиқиди — 2:2. Яна бир учрашув Зарафшонда бўлиб ўтди. Ундаги «Қизилқум» — «Бўжор» жамоалари ўйинида ҳисоб очилмади — 0:0.



«Севинч» — яна чемпион!

Пойтахтимизда мини-футбол бўйича аёллар ўртасида навбатдаги мамлакат чемпионати яқунланди. Унда тўққиз жамоа голиблик учун кураш олиб борди.

Ўзбекистон аёллар терма жамоасининг асосини ташкил этувчи Қаршининг «Севинч» футболчилари қаторасига еттинчи бор мамлакат чемпионатини қўлга киритди. Андижоннинг «Андижанка» жамоаси иккинчи, Қаршининг «Олимпия» футболчилари эса фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Мурасасиз кечган баҳслар якунида рақиблари дарвозасини 24 мартаба аниқ нишонга олган Феруза Турдибоева («Олимпия») чемпионат тўпурарлари баҳсида голибликни қўлга киритди. Эркин ХОЛБОВО

Китоб жавонингизга

Мебелсозлар учун қўлланма

Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан Тошкент кимё-технология институти ўқитувчилари Йўлдош Махсудов ва Рашид Ҳабибуллаевнинг «Мебелларни ишлаб чиқариш технологияси асослари» номли ўқув қўлланмаси чоп этилди.

Китоб ёнча ишлов бериш ва мебель ишлаб чиқариш йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, унда асосан, ёшларда фаннинг назарий билим ва кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилган.

Мазкур қўлланмада энг тез ривожланётган тадбиркорлик туларидан бўлган мебель саноати усталари учун зарур тавсиялар тушунарли ва замонавий мебельсозлик ютуқларига уйғун ҳолда баён қилинади. Шу билан бирга, қўлланмада мебель тайёрлашда ишлатиладиган материаллар, пардозлаш, йиғиш, мебель тулари, юмшоқ мебель тайёрлаш ва унда ишлатиладиган асосий дастгоҳлар ҳақида ҳам маълумот берилган. Китоб дурадгорлик ва мебель ишлаб чиқариш йўналишида тахсил олаётган ёшларга мўлжалланган бўлса-да, бундай ихтисосликдаги коллежлар ва улардаги ўқувчилар сонини назарда тутсақ, уни каттароқ нусхада нашр этиш мақсада мувофиқ. Чунки бу қўлланма шу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошламоқчи бўлган ёшлар учун ҳам муҳим қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

YU. MAXSUDOV, R. XABIBULLAYEV

MEBELLARNI ISHLAB CHIQRISH TEXNOLOGIYASI ASOSLARI



Абдуғаффор РАҲМОНБЕРДИЕВ, профессор.

Шукроналик

Эсон-омон бўлинг, Эсаной момо!

Кўпкам чор-атрофга ўз сепини ёзаётган, борлиқда ажиб бир яшариш, янгилинишлар кузатилаётган шу кунларда Дўстлик туманининг Қаҳрамон қишлоғидаги Эсаной момо истиқомат қилаётган хондонда яна бир қутлуг кун — муборак сана тадориги қўрилмоқда.

Чунки шу кунларда момо юз ёшга тўлади. Фарзандлар, неварая-чеваралар, эваралар, кўни-кўшиллар бу кунни ўзига хос байрам сифатида нишонлашга ҳозирлик кўришапти.

Бувижонимга ҳеч ким юз ёш бермайди, — дейди неваре келинларнинг бири Наргизахон. — Ҳали тетик, ҳаракатлари чаққон. Кўзлари равшан. Турли даврларда бошидан кечирган қизиқ-қизиқ воқеалар ҳақида гурунги бериб ўтиришни яхши кўрадилар.

Сабр-қаноат, шукроналикда ҳикмат кўп, — дейди момо. — Бу ҳислатлар умримизга умр қўшади. Бунга бекорга айтмаган имоним йўқ, ургилай. Умрим даомида не-не кунларни кўрмадим. Ҳаммасига чидадик, сабр-тоқат билан яшадик. Яхши кунларнинг келишини кутдик. Мана, қандай замоналарни кўриш насиб этди! Юртимиз тинч, турмушимиз оосийишта. Омборларимиз дондунга, дастурхонларимиз нознеъматларга тўла. Нева-чевараларимиз кўлларини қаёққа узатишса, етади. Одам боласи учун бундан ортиқ яна нима керак?

Вилоятимизда етмиш беш нафар юз ёшдан ошган отахон онахонлар истиқомат қилишди, — дейди «Нуроний» жағмармаси вилоят бўлими ўзи юритувчиси Шерзод Шарипов. — Бундан ташқари, 300 нафардан зиёд II жаҳон уруши қатнашчилари бор. Уларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаёмиз. Сало-матликларини мустақамлаш учун сихатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар бериш, бепул доридармонлар билан таъминлаш, бетобланиб қолган тақдирда даволash чораларини кўрапмиз, ёшлар билан учрашувларга тақлиф қилиб турибмиз.

Қандай ажайиб даври давронларда яшаш насиб этди-я, болаларим, — дейди Эсаной момо. — Тўқсон етти нафар неваре, чевара, эвараларим — меннинг бахтим. Уларнинг орасида фермерлари ҳам, муаллимлари ҳам, тадбиркорлари ҳам, ўқувчилари ҳам бор. Мени ёлғизлаш, зериктириб қўйишмайди. Шундай кунларга етказганига шукр!

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 05-06.04. 2011

Table with 3 columns: City, BUGUN, and ЭРТАГА. Lists weather forecasts for various cities like Toshkent, Samarkand, Nukus, etc.

Table with 3 columns: City, BUGUN, and ЭРТАГА. Lists weather forecasts for international cities like London, Paris, Moscow, etc.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси бош ҳисобчи Сайёра МАШАРИПОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: Logo of the O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afar HOTAMOV, Ushihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV.

BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Kотибиyat. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T - Tijorat materiallari. Topshirish vaqti - 21.00. O'ZA yakuni - 21.20. Topshirilgan vaqti - 00.00. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi: To'liq TO'RAKHONOV. Gazeta 'O'zbekiston ovozi'ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5.